

## Қозоғистонда “Al Hilal” исломий банки иш бошлади



18:49 / 05.10.2018 2736

“Al Hilal” исломий банки Қозоғистонда илк исломий ипотекани йўлга қўйди. Бу ҳақда Қозоғистон мусулмонлар идораси маълум қилди.

Исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган мазкур хизмат ҳозирча Олмаота, Остона ва Чимкентда ўз фаолиятини бошлади. Мазкур банк аҳолига турар жой сотиб олиш ва бошқа банкдаги мавжуд ипотекани қайта молиялаштиришда кўмак беради. Муҳими, мазкур хизмат диний эътиқодидан қатъи назар, барча аҳоли қатламига мўлжалланган.

“Al Hilal” бошқарув кенгаши раиси ўринбосари Елтай Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, мазкур хизматнинг йўлга қўйилиши Қозоғистонда исломий банкингни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.